ФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОНДА

Яқинда Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида анъанавий учинчи Халқаро Биеннале — "Осиё-Арт" кўргазмаси очилади.

Халқаро Биеннале кўргазмаси Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонда ўтказилиб келинмоқда. У дастлаб 1991 йилда, сўнг 1995 йилда ўтказилган эди. Бир ҳафта давом этадиган бу анжуманда Марказий Осиё давлатларидан 16 та бадиий галерея қатнашади.

Тўлқин АҲМЕДОВ.

ҲАЙБАТИДАН ҲАЙРАТЛАНАСАН

Қадимий Шарқ меъморчилик анъаналарини ўзида ифода этган Хива обидаларига қайта умр бахш этилмоқда. Жумладан, Ичонқалъани ўраб турган 2200 метр узунликдаги маҳобатли деворни қайта таъмирлаш ниҳоясига етказилди. Ваҳоланки, собиқ иттифоқ даврида бу деворнинг 100 метрча жойи таъмирланганди, холос. "Ҳаёт" ҳиссадорлик жамияти усталари таъмирлаш ишларига бош-қош бўлишди.

Рўзимбой ҲАСАН.

ТАДБИРКОР БОЗОР ҚУРДИ

Қашқадарё вилояти Косон туманида истиқомат қилаётган тадбиркор Ориф Худойқулов Сарипул маҳалласини обод қилишга бел боғлаб ниятига етди: ҳаммом, бекат, сартарошхона ишга тушди. Айниқса, етмиш беш савдо ўринли бозорча маҳаллани обод қилмоқда.

Тадбиркор ўз хусусий фирмаси ҳисобидан ободончилик ишларига 5,5 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Элнинг дуосини олаяптими — кам бўлмайди.

Юнус УЗОҚОВ.

БУХОРО ГРАНИТИ ОЛАМ КЕЗАДИ

Республика ҳукумати ва "Ўзавтойўл" концерни кўрсатган амалий ёрдам туфайли "Бухороавтойўл" ҳиссадорлик жамиятига қарашли гранитга ишлов бериш заводи Италиянинг жаҳонга машҳур "Бретон" фирмаси ускуналари билан жиҳозланган. Корхона нафис безакли "Бухоро — I" ва "Бухоро —II" гранит плиталарини ишлаб чиқаряпти. Корхонани хом ашё билан "Жонгелди" мавзесидаги Тошбулоқ гранит кони таъминлаб турибди.

Даврон БАҲРОНОВ.

МУРУНТОВДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ

Навоий тоғ-металлургия комбинати мутахассислари Мурунтов олтин конида замонавий хориж технологиясини кенг жорий этмоқда. Натижада меҳнат унумдорлиги 2-3 ҳиссага ошмоқда.

Жорий йилнинг ўзида кон учун кўплаб чет эл экскаваторлари, оғир юк ташиш машиналари сотиб олинди. Шунингдек, 9 та гидромонитор қурилмаси келтирилди. Энди ҳавзадаги табиий муҳит бирмунча яхшиланади. Йил охиригача бу сингари қурилмадан яна 5 та келтириш мўлжалланмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 11 ноябрь, сешанба № 132 (22.215).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Бишкекда Хитой, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари вакиллари учрашиб, Шарқий Осиёни Марказий Осиё орқали Европа билан боғловчи темир йўл лойиҳасини муҳокама қилишди. Ушбу йиғинда, шунингдек, Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банки вакиллари ҳам иштирок этишди.

* * *

Академик эшкак эшиш бўйича республикамиз терма жамоаси Тайванда бўлиб ўтган VII Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашди. 15 та мамлакатнинг 400 дан зиёд спортчиси иштирок этган бу мусобақада вакилларимиз битта кумуш ва иккита бронза медалига сазовор бўлишди. Умумий ҳисобда эса Хитой, Япония, Гонконг, Жанубий Корея ва Шимолий Кореядан сўнг олтинчи ўринни эгаллашди.

ВАТАН ХАРИТАСИ

* * *

Яқинда Хитойнинг Сянган (аввалги Гонконг) шаҳрида таэквандо бўйича икки йилда бир марта бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилади. Унда 100 дан ошиқ мамлакат спортчилари иштирок этиши кутилмоқда. Ўзбекистон таэквандо терма жамоаси ҳам унда иштирок этиш учун шу кунларда Сянганга йўл олади.

* * *

Мамлакатимизнинг бир гуруҳ таниқли хонанда ва раққосалари немислар диёрида муваффақиятли давом этаётган Ўзбекистон Республикаси маданияти кунларида қатнашиш учун Германияга жўнаб кетди. Улар орасида Мукаррама Турғунбоева номидаги «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси раққосалари, таниқли хонандалар бор.

* * *

Венгриянинг жаҳонга машҳур «Гедеон Рихтер» фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон шифокорлари уюшмаси фирманинг янги дори-дармонларини намойиш қилди. «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг маданият-ахборот марказида ўтказилган тақдимот маросимига республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг журналистлари, тиббиёт олимлари, шифокорлар, соғлиқни сақлаш тизимининг мутахассислари таклиф этилди.

ҚЎШНИЛАРНИНГ ҚЎШ ЗАФАРИ

Наманган вилоятида икки қўшни туман — Учқўрғон ва Уйчида пахта тайёрлаш йиллик шартнома режалари бажарилди.

Учқўрғон меҳнат аҳли жорий йилда 39350 тонна пахта тайёрлади. «Қайқиобод» ва «Ўзбекистон» ҳиссадорлик жамиятлари мулк шаклини ўзгартириб, туманда биринчи бўлиб режаларини бажардилар.

Уйчида ҳам пахтачилик асосий соҳа. Йил бўйи қилинган самарали меҳнат натижасида 7550 гектар майдондан 24900 тонна «оқ олтин» йиғиштирилди. Умуман туманда деҳқончиликдан соф фойда 82,4 миллион сўмга тўғри келмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СИРДАРЁДА ШОЛИ МЎЛ БЎЛДИ

Вилоят шоликорлари ўз аҳдларига вафо қилдилар. 8100 тоннадан зиёд шоли давлатга сотилди ва бу борадаги режа ошириб адо этилди.

Вилоят шоликорлари умумий хирмонни 9 минг тоннага етказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ҳосил-97»

НУКУСЛИКЛАР БИРИНЧИ

Нукус тумани шоликорлари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб шоли топшириш буюртмасини бажарди. 23,5 минг тонна шоли тайёрланди. Шундан 17,5 минг тоннаси давлатга топширилди. Уч минг тонна сара уруғлик жамғариб қўйилди.

(ЎзА).

Футбол бўйича мамлакат олий лига биринчилиги якунланишига бир тур қолганда Ўзбекистон чемпиони аниқланди. Мавсум бошидан бери пешқадамликни қўлдан бермай келаётган МҲСК футболчилари 87 очко жамғариб, чемпионликни қўлга киритишди. Улар сўнгги турда Марғилонда олий лигани тарк этаётган «Атласчи» жамоасини мағлубиятга учратишди. Пешқадамнинг ортидан изма-из қувиб келган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари пойтахт вилоятининг «Дўстлик» жамоасига 2:6 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Бу уларнинг олтин медалга бўлган сўнгги умидларини пучга чиқарди.

МҲСК — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ЧЕМПИОНИ

Биз армиячиларни мамлакат чемпионлиги билан табриклар эканмиз, бу жамоанинг футболчилари мамлакатимиз шарафини янада баланд кўтарадилар, деб умид қиламиз!

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Пхеньяннинг қоқ марказида 18 киши очиқ суд қилиниб, оммавий равишда қатл этилди. Бу ҳақда «Киодо цусин» ахборот агентлиги хабар берди. Ушбу қатл маросими гувоҳларининг хабар беришларича, 30 минг киши иштирокида амалга оширилди. Қатл этилганлар орасида қишлоқ хўжалиги вазири Со Кван Хи ҳам бор эди. Токионинг «Радиопресс» ахборот агентлиги хабарига кўра, Со Кван Хи марҳум Ким Ир Сеннинг яқин кишиларидан бири бўлиб, унга тегишли арбоблар орасида 26-ўринда турарди. Қатл этилганлар орасида Содан ташқари яна учта раҳбар ва 14 нафар социалистик ёшлар иттифоқи вакиллари бор эди.

* * *

Сурия Президентининг ўринбосари Абдил—Халим Хаддам агар Исроил Жўлан тепаликларини уч ой ичида қайтариб берса, унинг мамлакати Исроил билан тинчлик шартномасига имзо чекишга тайёр, деди. Маълумки Исроил-Сурия тинчлик музокаралари Исроил томонидан 1996 йилнинг май ойларида тўхтатиб қўйилганди. Чунки ҳокимият тепасига келган Беньямин Нетаньяху Жўлан тепаликларини Сурияга қайтаришдан тамоман бош тортган эди. Сурия Президентининг ўринбосари Исроилнинг ҳар қандай дўқ-пўписалари бизга тўғри келмайди, биз унинг ҳар қандай ҳужумларини қайтаришга тайёрмиз, деди.

* * *

АҚШнинг марказий разведка бошқармаси ўз хатосини тан олди. Чунки МРБ қандайдир айғоқчилар ёрдамида олинган хабарларга асосланиб Россия Янги Ер ороллари ҳудудида ядро қуролини синаб кўрди, деб баёнот бериб юборди. Кейинчалик маълум бўлдики, ер силкинишининг асосий маркази ядро полигонидан анча узоқда экан. Шу муносабат билан МРБ Карск денгизидаги силкинишлар ядро портлатиш оқибати эмас, балки енгилгина ер қимирлаши оқибати, деб баёнот берди.

* * *

«Уолл-Стрит журнал» газетаси Америкада энг кўп ўқиладиган газета, деб топилди. Бу газета 1 миллион 77 минг нусхада чоп этилади. Кейинги поғоналарни «Ю-Эс-Эй тудей», «Нью-Йорк таймс» ва «Лос-Анжелес таймс» газеталари эгаллади. Умуман, текширишлар натижасида АҚШда бошқа нашрларга қараганда вақтли матбуот нашрларининг ўқувчилари кўп эканлиги маълум бўлди.

* * *

Хитой ва Протугалия расмий доиралари вакиллари асосан Хитой миллатига мансуб аҳоли яшайдиган Макао оролини Хитой тасарруфига ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни фаоллаштириш лозимлигини таъкидлашди. Ушбу масала билан шуғулланувчи Хитой-Португалия қўшма гуруҳининг навбатдаги йиғилишида биринчи навбатда Макаодаги давлат хизмати ва асосий қонунларни «маҳаллийлаштириш», шунингдек бу ерда Хитой тилига расмий тил мақомини бериш лозимлиги таъкидланди.

Маълумки, Португалия тасарруфида бўлган Макао 1999 йили Хитойга қўшилиши керак. Пекиндаги расмий доираларнинг таъкидлашича, ўша вақтдан бошлаб Макаога ҳам Сянганга берилгани каби «Алоҳида мухтор вилоят» мақоми берилади.

Мустақил Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат, адолатли жамиятни бунёд этиш учун демократик сиёсий тизимга ва бозор муносабатларига асосланган ривожланган иқтисодиётга эга бўлиш билан бирга халқнинг маънавиятини юксалтириш зарурлиги ҳам бугунги кунда аёндир. Зеро, мамлакатимиз йўлбошчиси Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаётганидек, **маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди.** Шу боис, маънавият масалалари республикамиз ҳукумати амалий фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир.

САОДАТГА БОШЛОВЧИ НУР

Маънавий янгиланиш учун барча фуқароларимизни мустамлакачилик ва шўравий мафкуралар ҳосиласи бўлмиш қарамлик, тобеълик, итоаткорлик, лоқайдлик, боқимандалик, ўзибўларчилик, ялқовлик кайфиятидан халос қилиш билан бирга, янги, миллий истиқлол маънавиятини шакллантириш талаб этилади. Ушбу мураккаб, узоқ муддатда ҳал этиладиган умумдавлат, умуммиллий вазифани бажаришда ёшлар тарбиясига, ёш авлоднинг маънавий камол топишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки янги жамиятни қуришда фаол иштирок этишга даъват этилган бугунги йигит ва қизларимизнинг мамлакатимизнинг эртанги хўжайинлари, унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари бўлишлари табиийдир. Уларни бу тақдириломон ишга тайёрлаш — ҳозирги авлоднинг бурчи. Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси томонидан «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрларни тайёрлаш миллий дастури» ва «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури»нинг қабул қилиниши давлатимизнинг ушбу йўналишда қўйган жиддий қадамларидир. Уларнинг моҳияти ёшларимизни нафақат ўта билимдон, мустақил фикрли, замонавий касбга эга бўлган, янгиликка чанқоқ, ташаббускор этиб, балки насл-насаби, миллати, халқи, қадимий анъаналари, она-Ватанни жондан севувчи, руҳан бардам, виждонли, иймон-эътиқодли этиб вояга етказишдан иборат.

Чуқур ислоҳ қилиниши кўзда тутилган таълим тизимида бу нарсага, умуман, эътибор йўқ эди, дейишдан йироқмиз. Мустақиллик йилларида таълимнинг мазмунини янгилаш, ёшларни чиниқам ватанпарварлар, миллий ва умумбашарий қадриятларни қадрловчи, ислоҳотлар йўлига содиқ фидойилар этиб тарбиялашга қаратилган бирмунча ишлар, гарчи улар етарли бўлмаса-да, қилинди. Мамлакатимиз ўқув юртларида коммунистик мафкура ақидаларидан тозаланган Ватан тарихининг ўқитилиши, Ўзбекистон Конституцияси, Президентимиз асарларининг ўрганилиши, маънавият ва маърифатдан махсус сабоқлар берилаётганлиги, истиқлол ғояларининг кенг тарғиб этилиши орқали сепилаётган эзгулик уруғлари мурғак қалбларда униб чиқа бошлади Буни кўп миллоднинг бурчи. Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси томонидан «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрларни тайёрлаш миллий дастури» ва «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури»нинг қабул қилиниши давлатимизнинг ушбу йўналишда қўйган жиддий қадамларидир. Уларнинг

Истиқлол ва ёшлар

солларда кўриш мумкин. Шулардан бирини камина республика талаба-ўқувчиларининг «Маънавият — қалбим қуёши» мавзуидаги иншоларида кўрдим.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан шу мавзуда ўтказилган бу йилги танловда (1996 йили «Ватанни севмоқ иймондандир» мавзуида ўтказилган эди) республикамиздаги деярли барча университет, институт, коллеж ва билим юртларининг талаба ва ўқувчилари иштирок этдилар. Танловнинг дастлабки босқичи ўқув юртларининг ўзида ўтказилиб, ундан муваффақиятли ўтган ишлар республика танловида қатнашди. Унда ғолиб, деб топилган иншолар эса, яқинда махсус тўплам шаклида босиб чиқарилди («Маънавият — қалбим қуёши». Иншолар тўплами. Д. Ғаниев ва бошқалар таҳририда. Т. 1997).

Тўпламга кирган иншолар билан танишар экансиз, авваламбор, дилингизда истиқлол байроғини баланд кўтарувчи муносиб ўринбосарлар етишиб чиқаётганидан ғурур ва мамнуният пайдо бўлади. Илло, ўзларининг бу ишлари биланоқ йигит ва қизларимиз маънавияти юксак, эътиқоди бутун боболари изидан боришга аҳд қилганликларини маънавиятсиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаб бўлмаслигини англаганликларини намойиш этмоқдалар. Айрим ёшлар, ҳаттоки мактаб ёшидаги болалар бозор иқтисодиётининг ўзига хослиги ва ўтиш даврининг қийинчиликла-

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 11 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	54,24
1 Австрия шиллинги	6,47
1 Англия фунт стерлинги	131,36
10 Бельгия франки	22,06
1 Голландия гульдени	40,37
10 Греция драхмаси	2,88
1 Дания кронаси	11,96
1 БАА дирҳами	21,22
1 АҚШ доллари	77,95
1 Миср фунти	22,99
1 Ирландия фунти	117,86
1 Исландия кронаси	1,10
10 Испания песети	5,39
100 Италия лираси	4,64
1 Канада доллари	55,32
1 Хитой юани	9,41
1 Қувайт динори	257,22
100 Ливан фунти	5,11
1 Малайзия рингтити	23,53
1 Германия маркаси	45,50
1 Норвегия кронаси	11,20
1 Польша злотийси	22,27
10 Португалия эскудоси	4,46
1 Сингапур доллари	49,59
1000 Туркия лираси	0,42
1 Финляндия маркаси	15,11
1 Франция франки	13,59
1 Швеция кронаси	10,44
1 Швейцария франки	55,83
1 ЭКЮ	90,11
10 Жанубий Корея вони	0,78
10 Япония иенаси	6,29
1000 Россия рубли	13,23
1 Украина гривнаси	41,57
1000 Белорусь рубли	2,67
1 Эстония кронаси	5,69
1 Латвия лати	134,63
1 Литва лити	19,49
1 Қозоғистон тенгеси	1,03
1 Қирғизистон somи	4,59

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

АКА-УКАЛАР «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИ ЎҚИШАДИ

«Обуна-98»

Омон Абдуллаев — Дўстлик туманидаги «Оқолтин» ижара ширкатлари бирлашмасининг тажрибали деҳқон фермери, Халқ демократик партияси аъзоси. Оилавий деҳқон хўжалигида 8 нафар ака-укалар меҳнат қилишиб, ҳар йили кўплаб ғалла ва пахта етказиб беришади. Улар ўтган йили 40 гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан 41 центнердан, шунча пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтариб, жами 2 миллион сўмга яқин даромад олган эдилар.

Бу йил фермерлар иши янада юришди. 40 гектар ғаллазор ҳосилдорлиги 51 центнердан бўлди. Йиғим-терим қизғин кетаётган пахтазор ҳосилдорлиги ҳам бултургидан кўп бўлса бўладики, асло кам бўлмайди. Демак, даромад ҳам кўпаяди.

— Инсон манфаатлари йили туҳфаларини ҳеч қачон унутмайман, — дейди Омон Абдуллаев. — Кўксимни «Меҳнат Шуҳрати» ордени безади. Деҳқончилигимиз барорли бўлди. Қишлоқ хўжалик институтини битказдим. Меҳнатдан келадиган бойлигимиз қарийб 3 миллион сўмга етадиган бўлаяпти. Шу ҳисобдан жамоамиз бўйича олти нусха «Ўзбекистон овози» газетасига йиллик муддатга обуна бўлдик.

— Яшанг, Омон ака! Моддий бойликка маънавий бойликнинг қўшилгани айни муддао бўлибди.

К. ЖЎРАҚУЛОВ.



Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси: Якка тартибдаги обуначилар учун — 220
Ташкилотлар учун — 221

ФМТ-1

"Ўзбекистон почтаси" Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Нашр индекси

Обуна сони

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

Нашр индекси

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Обунани янги манзилга юбориш — Баҳоси сўм — обуна сони — Баҳоси сўм

1998 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

САОДАТГА БОШЛОВЧИ НУР

(Боши 1-бетда).

сб ўрганишга қўл учида қараб, енгил-елпи усуллар билан пул топиш йўлига ўтаётган бир пайтда бу нарса айниқса қадрли, деб ўйлайман.

Иншоларда кўзга ташланадиган иккинчи муҳим нарса шуки, уларнинг муаллифлари маънавиятнинг ҳаётдаги, жамиятимиздаги, мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришлардаги ўрнини, мустақил давлатимизнинг порлоқ келажагини юзага чиқаришдаги аҳамиятини баҳоли қудрат идрок этмоқдалар. Дунё, инсон, маънавият...Дунё бунёд бўлибдики, инсон дунё юзини кўрибдики ва ўзини инсон сифатида англабдики, у ўзини борлиқнинг энг мураккаб мавжудоти сифатида таниб келади. Инсон онги, тафаккури ва маънавияти туфайли шундай устунликка эгадир», — деб ёзади Гулистон Давлат университети талабаси Хурсандой Сотволдиева. Фарғона Давлат университети талабаси Зуҳра Акбарова эса маънавият ҳақидаги фикрларини шеърий тарзда ифода этган:

«Юртбошимиз нияти
Юртни тўқ ва бой қилиш,
Юртдошларнинг қалбига
Ватан ишқин жо қилиш...»
Зеро,
«...Маънавий бойликларнинг
Замини бўлсин мўлроқ,
Шунда истиқлол учун
Ҳисса қўшилар кўпроқ».

Яна бир диққатга сазовор нарса шуки, кўпчилик иншоларнинг муаллифлари «Маънавият» атамасининг маъносини тушуниш ва тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Бунинг учун уларнинг турли манбалар (Қуръони карим, Ҳадиси шариф, Амир Темур «Тузуклари», Ўзбекистон Конституцияси, И. А. Каримов асарлари ва бошқалар)га мурожаат этганликлари, кўплаб китоб, рисола, мақолаларни мутолаа қилганликлари, ўзаро баҳс-мунозаралар ўтказилганликлари шундоққина сезилиб турибди. Чунончи, Андижон Давлат тиббиёт институтида ўқиётган Нодира Охунова «Маънавият», «маънавий» сингари сўзларнинг ўзагини «маъно» сўзи ташкил этади, демак, маънавият сўзининг асосида «маъно» сўзи ифодаланган», деса, Тошкент кимё-технология институти талабаси Шаҳноза Отамуродова «Маънавият» сўзи арабча «аъно» феълидан олинган бўлиб, у руҳ, ақл, идрок, руҳий ҳолат, ички кайфият, дадиллик, жасорат, хусусият, моҳият, ғамхўрлик, қайғуриш, дид каби маъноларни англатади», деб ёзади. Термиз Давлат университетида таҳсил олаётган Зарифа Тўраева эса «Маънавият»ни одамнинг руҳий ва ақлий оламининг мажмуи сифатида изоҳлайди.

Тўпламдан жой олган ишларнинг аксариятида маънавиятнинг мазмун ва моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинганлиги таҳсинга лойиқ. Берилган тарифларнинг хилма-хиллиги, бир-бирларидан фарқ қилишлари табиийдир, чунки маънавиятимизнинг ўзи ранг-баранг, кўп қиррали ва мазмунан бойдир. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти талабаси Нафиса Боированинг фикрича, «Маънавият — инсоннинг ақлий, ахлоқий, илмий, амалий фазилатлари йиғиндиси» ҳисобланса, Тошкент Давлат университети талабаси Лайло Соатова уни «инсон онги ва шуурини ёритиб берувчи бир нур»га ўхшатади. «Маънавият — улуғ бир олтин кўприк», — бу сўзлар Тошкент қурилиш коллежи ўқувчиси Феруза Ихлосованики. Ҳа, истиқлол маънавияти бизни маданий сарчашмаларимиз билан боғлабгина қолмай, ойдин келажакка йўлимизни ёритади, саодатли ҳаёт учун ҳаракатимизда бизга қанот бағишлайди. Ёшларимизнинг ушбу ҳақиқатни идрок этишлари дилларни қувонтиради, уларга бўлган умидимизни мустаҳкамлайди.

Қатор иншоларда миллий маънавиятнинг мазмуни, моҳияти ва аҳамиятигина эмас, балки уни шакллантириш муаммоларининг ҳам ёритилиши ёшларимизнинг бу масалага нақадар жиддий ёндошаётганликларидан далолат беради. Уларнинг аксарияти маънавиятлилик одамзотнинг туғма белгиси эмаслигини, унинг ҳар бир инсонда ўзининг ҳаёти давомида шаклланиши лозимлигини яхши тушунган ҳолда, оила, маҳалла, мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари бу иш билан шуғулланишлари керак, деб ҳисоблайди. Ушбу фикрда инсон маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга омиллар рўйхати унчалик тўлиқ берилмаган бўлса-да, у умуман тўғри, чунки айни оиладаги ҳаёт ва таълим-тарбия ушбу мураккаб жараённинг асосини ташкил этади.

Албатта, тўпламга кирган иншолар орасида мазмуни саёзроқ, декларатив, яъни баландпарвоз руҳда ёзилган ишлар ҳам йўқ эмас. Аммо, ёшларнинг мазкур ижоди билан танишган ҳар бир холис кишида танловда иштирок этган талаба ва ўқувчиларнинг мутлоқ кўпчилиги бу ишга самимийлик билан киришганлигига ишонч туғилишига аминмиз.

Республика Олий ва махсус ўрта таълим вазирлигининг ёшларни изланишларга, мустақил фикр қилишга ундовчи, уларнинг миллий маънавиятимизга ихлос қўйишларига, камолот сари интилишларига кўмаклашувчи шундай тадбирларни ташкил этиб ва танлов ғалвиридан ўтган сара ишлар билан жамоатчиликни таништириш мақсадида махсус тўпламни чиқариб, хайрли ишга қўл ургани, шубҳасиз.

Собир ҚУРБОНОВ,
тарих фанлари номзоди.

ЎЗГАРАЁТГАН

Одамлар тафаккурида ўзгариш юз бермоқда.
Бу — тараққиётимиз гарови, катта имкониятдир.
Ислом КАРИМОВ

1. БОҚИМАНДАЛИК ҚАЕҚДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН?!

Йўлинг бошлаб, киндик қонинг томган қишлоққа бориб қолсанг, қариндош-уруғ, яқинлар, умуман, ҳамқишлоқлар дастурхони тўкин-сочин, рўзғори бут, узларини ҳаётдан мамнун қиёфада кўрсанг, улар билан бақамти ўтириб дилдан суҳбатлашсанг, рости гап, у хушнуд кайфият сенга ҳам юқади, ич-ичингдан қувониб кетасан.

Ахир, қувонмай буладими?! Қишлоқдаги оддий деҳқон ўзининг ҳалол меҳнати орқасидан бойиши, турмуши кундан-кунга фаровон бўлиши, ҳали ҳосилни йиғиб олмай туриб, баҳорги экин-тикин ғамини ейиши, уруғ, нав танлаши ва аниқ ҳисоб-китоб билан иш юритиши шу юрт, шу халқнинг турмуши юксалиб бораётганидан, эртанги куни бундан ҳам ёруғ эканлигидан дарак бермайдими?!

Аслида ҳам шундай: деҳқоннинг бугунги турмуш тарзини кузатиб туриб, кейинги йилларда ҳаётда қандай ўзгаришлар рўй бергани, истиқлолнинг булоқ сувидек тип-тиниқ нурлари кўнгилларни нечоғлик мунаввар этгани, ер ва меҳнатга бўлган муносабат тубдан ўзгариб кетганини юрак-юрақдан ҳис этасан киши.

Ҳолбуки, илгарилари қишлоққа бориб қолсангиз, буткул бошқа бир манзаранинг устидан чиқар эдингиз. Ўшанда гарчи, деҳқонларга қўшимча томорқа беришга киришилган, эмин-эркин меҳнат қилиш учун шарт-шароит яратилган бўлса-да, одамларнинг дунёқараши ва тафаккур тарзида ҳали ўзгариш сезилмас, тушкунликка ўхшаш кайфият ҳукмрон эди. Фидойилик туйғуси, ялпи сафарбарлик ва деҳқоннинг яратувчилик салоҳияти бугунги кундаги каби яққол кўзга ташланмаган.

Нега?

Албатта, буни турлича изоҳлаш мумкин. Ўша йиллари «боқимандалик қайфияти бу», деган фикрлар айтилди, «одатда, янгиликни идрок этиш шундай оғир кечади» деган қарашлар ҳам йўқ эмас эди. Шундай бўлиши ҳам мумкин. Инсон руҳияти гўлдек нозик, ҳар қандай ҳодиса унда из қолдиради. Собиқ шўро тузуми даврида оддий деҳқонга бўлган муносабат, унинг аҳвол-руҳиясини кўз олдимизга келтирсак, бунинг сабабларини мушоҳада этсак, кўп нарса ўз-ўзидан ойдинлашади. Деҳқон жуда ночор кун кечиргани, гарчи кун узоғи елкасидан кетмон тушмаса-да, қора қозони зўрға қайнагани ҳақида айтмай қўя қолайлик, унда на ерга эгалик, на юртга хўжайинлик туйғуси бўлмаган. Шу ер, шу меҳнат ортидан моддий манфаат топиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган. Бундай ҳақ-ҳуқуқнинг ўзи йўқ эди. Шўро тузумининг энг машъум сиёсатидан бири — уравниловка, яъни яхши ишлаган ҳам, ёмон ишлаган ҳам бир хил иш ҳақи олиши. Боқимандаликни келтириб чиқарган аслида шу. Энг аянчлиси, бу иллат деҳқоннинг онг-шуурида ҳам чуқур илдиз отган, фикрлаш тарзига айланган ва у шу тушунча ортидан дунёга қарар, фикр юритар эди. Мустабид тузумнинг деҳқон ҳаётида қолдирган оғир асоратлари фақат бу билан чекланмайди.

Ўша йиллар таниш хўжалик раҳбарларидан бири шундай ҳасрат қилган:

— Эй, ука, одамлар ерга қарамай қўйди. Ҳамма бундайроқ иш излаб бошқа томонга кетиб қолаяпти. Йўқса, ҳозир ким ишласа, шунга яраша ҳақ оладиган замон. Аммо шўро тузуми одамларни ердан ҳам, меҳнатдан ҳам бездириб ташлаган экан. Йўқса, бизнинг ота-боболар қандай менаткаш бўлган. Момоларимиз ерни улуғлаб қўшиқлар айтишган...

2. «ДАЛАГА ОДАМЛАР ОҚИБ ЧИҚАЁТГАНИНИНГ САБАБИ...»

Бугун сиз қишлоқда бўлсангиз, аҳвол тубдан ўнгланганини кўрасиз. Беқиёс ўзгаришлар жараёнини яқиндан туриб кузатган киши шунга амин буладики, оддий деҳқоннинг тасаввур дунёсидаги мустабид тузум қолдирган асорат чок-чокидан суғилиб, емирилиб бормоқда, одамлар эркин меҳнат қилиш имкониятларини ҳис этишмоқда, уларнинг кўнглида шу юрт, шу тупроққа нисбатан эгалик, хўжайинлик туйғуси барқ уриб, шаклланмоқда.

— Биз меҳнат қилишни, ерни қандай эъзозлашни энди ўрганаяпмиз, — дейди Китоб тумани Охунбобоев жамоа хўжалигида истиқомат қиладиган Абдухалил Диёров. — Шўро даврида деҳқоннинг меҳнати қадрсиз эди. Моддий манфаатдорлик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳозир ерга, деҳқон меҳнатига буткул бошқача муносабат шаклланди. Агар ҳосил яхши бўлса, шунинг роҳатини аввало оиланг, бола-чақанг кўради. Шундай бўлгач, сидқидилдан ишлайсан-да киши. Далага одамлар оқиб чиқаётганининг сабаби — шу.

— Бу туйғу ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмагандир?

3. ЭВРИЛИШ.

— Агар, мен янгилишсам, одамларга қўшимча томорқа берилиши, деҳқончиликда, умуман, деҳқон ҳаёти, унинг дунёқараши, ерга муносабатида чинакам эврилиш ясади. Аввалига одамлар ерга тирикчилик манбаи сифатида қарай бошладилар. Кейин улар ер — ризқ-рўз, моддий ва маънавий фаровонлик асоси эканлигини англаб етишди. Ҳозир қўшимча томорқадан ташқари аксарият шартнома асосида хўжаликдан ер олган, қўча-қўйда бекор юрган одамни учратмайсиз, ҳамма ишлов билан банд. Шўро замонида фақат пахта экиладиган майдонларда бугун пахта ҳам, ғалла ҳам, полиз ҳам, сабзавот ҳам етиштирилмоқда. Аввал қаровсиз ётган ерлар ҳозир сонга кирганини, буғдой, шоли, пиёз, умуман, кечки экинлар гуркираб ўсиб ётганини кўрасиз.

— Бизнинг хўжаликда мева-сабзавот ҳам етиштирилади, — дейди Карим ака Ҳамроев. — Кўкламда оилавий ижара асосида ер олиб, пиёз экдик. Ёз буйи шуни парвариш қилдик. Тўғриси, меҳнатдан қочмадик. Икки ўғлим ҳам мен билан тенг ишлади. Ҳозир пиёзни йиғиштириб олаяпмиз. Очиғини айтсам, ҳосилдан кўнглим тўқ. Бундан ташқари, томорқа, қўшимча томорқа бор. Бола-чақамизнинг ризқи шу ердан чиқади. Ўғилларнинг каттасини уйлантириш, унга уй-жой қуриш ниятимиз бор.

Энди ўзингиз бор тасаввур қилинг: деҳқон ўзининг хирмонини 40 тонна деб чамалаётир. Буни пулга чақсак, салкам 400 минг сўм булади. Бу битта оиланинг бир йиллик ўртача даромади. Ҳар бир қарич ердан унумли фойда кўраётган оилаларни Шаҳрисабз ва Китоб туманларида кўплаб учратиш мумкин. Табиийки, уларнинг меҳри ерга боғланган, уни боласидек парвариш қилади, қалб қўрини беради. Ва ўз навбатида ер ҳам уларга саховат кўрсатади.

Деҳқон бойиса, рўзғори бадастир бўлади, тўй-маъракa қилади, фарзандларига иморат солади. Бундан ҳаётга файз киради, юрт обод бўлади. Агар бугун қишлоқларни айлансангиз, бири-биридан кўркам уйлар қад ростлаганини кўрасиз. Бу уйлар кейинги уч-турт йил ичида қурилган, уларда ёшлар истиқомат қилаётир.

Кишини хурсанд қиладиган шуки, қишлоқда сиз ташландиқ ёки қаровсиз ётган бир парча ҳам ерни кўрмайсиз, яроқли жой борки, нимадир экилган, ям-яшил, кўрган кўз қувонади.

4. «ҲАВАС ҚИЛСАНГ, АРЗИЙДИ»

Уч-турт одамнинг бошини бир жойга бириктириш, уларнинг имкониятларидан тўғри фойдаланиш осон иш эмас, албатта. Бунинг учун раҳбар омилкор, эртанги кунни кўра биладиган, уддабурон ва ғоявқалб бўлиши керак. Бозор Эшдавлатов ана шундай ёшлардан. Унинг суяги меҳнатда қотган, ишнинг кўзини билади. У раҳбарлик қилаётган Болта Фозилов жамоа хўжалиги бу йил Шаҳрисабз туманида пешқадамликни қўлдан бермади. Деҳқончиликда юксак кўрсаткичларга эришиш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта.

Хўжаликнинг 500 гектар ерига буғдой экилган эди. Натижа ёмон бўлмади, ҳар гектар ердан 57 центнердан ҳосил олинди. Буғдойдан бўшаган ерга иккинчи экин сифатида писта, қунжут ва маккажўхори экишди. Бундан олинаётган ҳосил ҳам кўзланганидан зиёда.

— Элнинг тилига тушган андижонлик, шовотлик биродарларимиз тажрибасини изчил ўргандим, — дейди Бозор Эшдавлатов. — Ҳавас қилсанг, арзийди. Биз ҳам плёнка остига сабзавот экишни жорий қилаяпмиз. Шовотликлар каби ҳозирдан ерга маҳаллий ўғит солиш, унга астойдил ишлов беришга киришдик. Униб чиққан буғдой майсалари бултургига нисбатан дуркун, чунки ўтган йилга нисбатан бу йил ерга ишлов бериш ҳам, парвариш қилиш ҳам ўн чандон зиёд бўлди...

Дарвоқе, хўжаликда иш пудрат асосида ташкил этилган. Ҳосил қанча яхши бўлса, турмушга шунча файз киришини

1 2 3

Ўзгаришлар шабадаси

ЗАМОНАВИЙ ЛОЙИҲА АСОСИДА

Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудида қад кўтараётган ҳашаматли ўқув даргоҳига замонавий лойиҳалардан бири асос қилиб олинди.

Бу масканда таълим-тарбия ишларини олиб бориш учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинади.

Янги кўп қаватли ўқув ўчоғи қурилиши учун 60 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ ГЎША

Зафаробод туман марказий кутубхонаси қошида жамоатчилик китоб жамғармаси ташкил қилинди. Туман китобсеварлари ўз шахсий кутубхоналаридаги китобларни марказий кутубхонага топширдилар. Шу кунгача йиғилган китобларнинг умумий миқдори 1000 донадан ошиб кетди.

Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Хатлар Хатлар Хатлар

РЎЙХАТГА ЁЗИШАДИ, ХОЛОС

Ҳурматли муҳарририят!

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, «Гулобод» мавзесидаги Марказ-26, 46-уйда истиқомат қилувчи аҳоли номидан мурожаат этишга мажбур бўляпмиз. Бизнинг уй қурилиб, фойдаланишга топширилганига 20 йил бўлиб қолди. Шу давр ичида бир марта, у ҳам бўлса шу уйда истиқомат қилувчиларнинг юқори ташкилотларга шикоятидан сўнг, томи таъмирланган эди. Бироқ, йиллар ўтди. Ёғин-сочинли кунларда чакка ўтиб таъмирлаган хоналаримиз ночор аҳволга тушганидан шу ердаги уй-жойдан фойдаланиш корхонаси бошлиғига бир неча марта мурожаат этишга мажбур бўлдик. Афсуски, фойдаси бўлмади...

Улар бир қоп ваъда бериб, рўйхатга ёзиб қўйишдан нарига ўтишолмаяпти. Ўтган қишда яна чакки ўтиб таъмирдан чиққан хоналарга сарфланган меҳнатимиз зое кетди. Бу йилги мурожаатларимиз ҳам шу вақтгача бирор натижа бергани йўқ. Олдинда эса қиш-қировли кунлар. Яна хоналарга тоғора-челак қўйиб қиш чиқарамизми, деган ваҳимада яшаяпмиз.

Раҳматилла ДЎСТМУҲАММЕДОВ,
Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Хайрулло ШУКУРОВ.

Чортоқ туманидаги Мирзо Улуғбек номли жамоа хўжалиги аъзолари бу йил 1600 тонна узум етиштиришди. Айни пайтда 720 тонналик картошка хирмони учун кураш олиб бориляпти. Миришкорларнинг нияти — эл дастурхонини янада тўкин қилиш.
Суратда: (чапдан) хўжалик бошқаруви раиси Муродилла Ҳасанов, ижарачи Кенгашбек Мирзааҳмедов, бригада бошлиғи Алимхон Чўлпонқулова.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Газетада босилмади, аммо...

«КЛУБ ҚУЛФ»

Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани «Ўзбекистон 5 йиллиги» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи пенсионерлар ва ёшлар номидан Н. Маҳмудов рўзномамизга хат ёзиб мурожаат қилган эдилар. Хат Жалолқудуқ тумани ҳокимлигига юборилганди.

Жалолқудуқ тумани ҳокимлиги шикоят-ариза бўйича текширув ўтказган. Унда туман ҳокимининг ўринбосари А. Қурбонов бошчилигида махсус гуруҳ тузилиб, атрофлича ўрганиб чиқилган ва қуйидаги ишлар амалга оширилган.

«Ўзбекистон 5 йиллиги» жамоа хўжалиги ўрамидаги кўчаларга ўрнатилган барча электр ёритгичлар лампочкалари қайта кўриб чиқилди ва тўлиқ ёндирилди.

Хатда кўрсатилган маданият муассасалари фаолияти тўғрисида туман маданият бўлими ва хўжалик бошқарувининг қўшма тадбири тузилди.

Қишлоқда 1 та қишлоқ маданият уйи, 4 та кутубхона аҳолига хизмат қилади. Хўжалик клубида (200 ўринли) ҳақиқатдан қишлоқда қўшимча ишчи ўринлар яратиш учун кичик корхона очиш мақсадида тўқув ва тикув дастгоҳлари ўрнатишга мослаштирилган эди. Ҳозирги шароитдан келиб чиқиб иқтисодий тақчиллик туфайли охирига етмай қолди. «Ўзбекистон 5 йиллиги» жамоа хўжалиги бошқаруви йиғилишида бу масала кўриб чиқилди ва йил якуни билан хўжалик клубини қайта таъмирлаб 1998 йилдан тўлиқ ишга тушириш учун келишиб олинди.

Амалга оширилади ган ишларни тўлиқ назоратга олиш «Ўзбекистон 5 йиллиги» жамоа хўжалик раиси А. Мамасобировга топширилди.

Жалолқудуқ тумани ҳокими
М. ЭРГАШЕВ.

ФИРИБГАРНИНГ

Андижон вилоят судида бир неча йиллардан бери фуқароларни очиқдан-очиқ талончилик ва фирибгарлик йўли билан зор қақшатиб келган жиноий гуруҳ аъзолари устидан ҳукм ўқилди.

Гуруҳ раҳбари Юнусов Дилмурод йигирма йил, Қосимов Қаҳрамон ўн йил, Қурбонов Абдуматаллиб ҳамда Холхўжаев Бахтиёр олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

ДАСТЛАБКИ «МУВАФФАҚИЯТ»

Гапнинг сирасини айтганда фирибгарлик ҳам алоҳида бир «қобилиятга» ўхшайди. Ёлғон-яшиқ гапларга устаси фаранглик, кейин эса бир қоп уйдирмалар билан ўзгаларни ишонтира олиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Дилмурод Юнусов бундай «қобилият»ни қачон ва қай йўсинда ўзлаштирди ёки бундай устамонлик унинг қонида борми — бир нарса дейиш қийин.

Алқисса, у 1993 йилнинг декабрь ойида Арсен Жалилов деган таниши билан Наманган шаҳрига борди. «Водий» фирмаси директори Комил Шафиқов билан осонгина танишди. Ўзаро суҳбат чоғида Шафиқов ёш бўлсада, ишбилармонликда юлдузни бенарвон урадиган йигитча «истеъдод»ига ич-ичидан тасаннолар ўқиб ўтирган бўлса ажаб эмас.

Ва ниҳоят ана шу юлдузни бенарвон урадиган йигитчада катта миқдорда харидоргир матолар борлигини эшитгач, телефон дастасини кўтариб, таниш-билишларига сим қоқа бошлади.

— Алло, Абдулатифхон, сизмисиз? Ҳа, бу мен — Шафиқовман. Ҳозир ҳузуримда бир укахонимиз ўтирибдилар. Уларда 200 минг метр чит бор. Нархи дейсизми? Нархи ҳам қиммат эмас — ҳар метрини бир юз йигирма сўм купондан дейишяпти. Агар талабгорлар бўлса!..

Талабгорлар — анқонинг уруғи эмас. Орадан кўп ўтмай Тўрақўрғон туманлараро улгуржи-чакана савдо ишлаб чиқариш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти базаси таъминотчиси Аҳмадхон Анваров харидор сифатида Шафиқовнинг ҳузурида пайдо бўлди. Айтилган молнинг нақдлигига ишонч ҳосил қилгач, 17 декабрь куни лимитлаштирилган Г 992968-сонли 240 миллион сўм-купон миқдоридаги чекни қўшқўллаб узатди. Шафиқов эса ўз уйида мазкур чекни Юнусовнинг таниши — «Ибн Сино» тиббиёт фирмаси раҳбари Жалиловга тутқазди. Ва охир-оқибатда мазкур фирма низомида олди-сотди ишларини бажариш кўзда тутилмаганлиги учун айланиб-айланиб яна Юнусовнинг қўлига тегди.

Ана шу пайтда Юнусов боши узра бахт қуши чарх уриб айланаётганлигини ҳис қилиб, ширин энтикиб кетди. Биринчи галдаги вазифа бахт қушини чўчитиб-учириб юбормаслик керак. У шундай қилди: ғойибдан келган маблағни ўзи раҳбар муовини бўлиб ишлаётган «Акция» кичик корхонаси ҳисобига ўтказиб олди. Кейин эса шу маблағнинг 148 миллион сўм-купонини Тошкентдаги «Мини-Стьн» масъулияти чекланган жамиятга, 14 миллион сўм-купонини Андижондаги «Абдуазимбобо» хусусий фирмаси ҳисобига ўтказди. «Мини-Стьн» масъулияти чекланган жамиятдан олинган «Даймлер-Бенц» автомашинасини «Акция» кичик корхонасига кирим қилиб ўтирмай ўзиники қилиб олди. «Абдуазимбобо» хусусий фирмасидан эса 11 миллион сўм-купонга 2 минг 500 қути «Марльборо» сигарети олиб, терговда шахси аниқланмаган шахсларга пуллади, 3 миллион сўм-купонлик курткани эса кийиб юборди.

Юнусовнинг навбатдаги режаси — ортиб қолган 30 миллион сўм-купонлик маблағни ҳам ўзлаштириш эди. 1993 йилнинг 23 декабрь куни «Озод» фермер хўжалигидан қорамол сотиб олиш учун расмийлаштирилган чекни яна собиқ раҳбарига имзолатиб, банкка қараб югурди. Аммо бу гал омади чопмади. Банк ходимлари чекдаги биринчи имзо нотўғри қўйилганлиги учун шаштини қайтариб, қуруқ жўнатишди. Шу тариқа фирибгарнинг охирги

1

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

ҚИШЛОҚ

деҳқон яхши билади.

Агар инсонда иштиёқ бўлса, у нимага чоғланса, шунинг уддасидан чиқади. Хўжалик аъзолари йил бошида хоразмлик ҳамкасбларига мурожаат қилишди. Мақсад — шоли қандай етиштиришни ўрганиш.

— Улар илтимосимизни ерда қолдирмай келишди, — дейди хўжалик раҳбари. — Биз улардан мўл-кўл шоли етиштириш, уни кўчатлаб экиш сирларини ўрганиб олдик. Сўнг арпадан бўшаган 10 гектар ерга шоли экдик. Ҳосилдорлик 55 центнер-

ни ташкил этди. Ўзингдан чиққани яхши-да... Қашқадарёликлар ҳам тўй-маърака қилади, шунда марҳамат, Шаҳрисабз шолисини ишлатишсин.

Хўжалик ўзини тутиб олган. Кейинги икки-уч йил ичида еттита қишлоққа газ қувурлари ўтказилди. Хўжалик марказида концерт зали ва бошқа маиший ишларга мўлжалланган икки қаватли бино қуриб битказилди ва яқинда фойдаланишга топширилди. Буларнинг бари хўжалик аъзоларининг ҳалол меҳнати туфайли келган даромадга бунёд этилмоқда.

Ўзгаришлар ҳақида сўз кетса, одатда биз рақамларга мурожаат қиламиз. Жамоа хўжалик кўрсаткичларини кўздан кечирсангиз, ишлар чакки эмаслигига ўзингиз ҳам иқрор буласиз. Пахта етиштириш йиллик режаси ошиғи билан бажарилди. Шолидан 56, картошкадан 125 центнердан ҳосил олинди. Хўжаликнинг шу йилги даромади 70 миллион 438 минг сўмни ташкил этди. Соф даромад — 11 миллион 210 минг сўм. Оддий меҳнаткашнинг йиллик ўртача иш ҳақи — 36 минг сўм. Ёмон эмас бу, албатта.

Хўжаликдаги хонадонлар тўлиқ газлаштирилди, ҳозир тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам ниҳоясига етмоқда. Айни пайтда қишлоқ йўлларига асфальт ётқизилди, маданият саройи, маиший хизмат маркази қуриб битказилди. Чойхона, ҳаммомлар...

Дарвоқе, ҳозиргача 150 оила янги уй қуриб, кўчиб чиқишди. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ.

Яшаш яхши. Яхши яшаш эса ундан ҳам яхши.

Яхши яшаш учун астойдил ишлай билиш керак. Оилавий ижара асосида меҳнат қилаётган пайчилар буни яхши билишади.

— Меҳнат одамни улуғлайдиган замон келди, — дейди хўжалик аъзолари.

Деҳқон меҳнати қадр топаётган экан, ердан у қалб қўри, ғайрат-шижоатини аямайди, шу тарзда муъжизалар яратади.

5. ҚУЁШГА ТАЛПИНГАН ЯМ-ЯШИЛ МАЙСА

Шаҳрисабз ва Китоб туманлари ўртасига Ҳисор тоғидан қўйиладиган Оқдарё чегара солиб туради. Дарё унча катта эмас, аммо суви тип-тиниқ, тошдан-тошга урилиб, мавжланади ва оппоқ тусга киради. Эҳтимол, шу боис унга Оқдарё деб ном беришган.

Аммо ҳозир гап дарё ҳақида эмас. Агар йўлингиз тушган бўлса, шу дарёнинг икки қирғоғида катта ер майдони тўшалиб ётибди. Дарёнинг ўзи сингари чўзилиб кетган бу ерлар асосан тошлоқдан иборат, экин-тикин битмайди.

Шўро замонида мана шу ерни ўзлаштириш, деҳқончилик қилиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган. Бунга эҳтиёж ҳам, рағбат ҳам бўлмаган. Одамлар пахтадан ортмаган.

Мана, тўрт йилдирки, қишлоқдагилар шу жойларни ўзлаштиришга киришишди, ташаббус ҳам, рағбат ҳам уларнинг ўзидан чиқди, биров четдан келиб, айтгани йўқ. Аввало ер тошдан тозаланди, текисланди ва четдан тупроқ олиб келиб тўшалди. Қарабсизки, ўша йилнинг ўзида туппа-тузук экин майдони юзага келди.

Бу ерда сув муаммоси йўқ, икки қадам нарида дарё шарқираб оқиб ётибди, чўпни суқсанг, ниш урадиган жой.

Ҳозир дарё бўйидаги янги очилган ўнлаб гектар ерларда қуёшга талпинган ям-яшил майсани кўриб, дилингиз яйрайди, биров беш-олти йил илгари бу ер ташландиқ жой эди деса, ишонгингиз келмайди. Шунда қўли гул ҳамқишлоқлар ишидан ғурурланиб қўяман. Яратувчилик туйғуси ҳар ишга қодир, агар инсонга имкон берилса, у тошда ҳам гул ундириши мумкин, дея ўйлайман.

Дарё бўйидаги бу жой обод бўлгач, гиёҳ кўкаргач, қишлоққа файз кирди, олинган ҳосил ҳам хўжаликнинг, ҳам рўзғорнинг бир четини қоплаб турибди. Қолаверса, саъй-ҳаракат замирида бугунги кун одамларига нисбатан қўнгилда ҳурмат уйғотадиган ҳикмат яширин. Шунинг ўзи қимматли эмасми, ахир?!

Қишлоқда қариялардан бири қизиқ воқеани айтиб берди:

— Мен эс-эс биламан, бир пайтлар бу ерларда шундай шоли битардики, ҳосилнинг мўллигидан ақлинг шошиб қоларди. Ҳар бир қишлоқда битта ёки иккита сув тегирмони бўларди, буғдой, шолини шунда тортиб олардик. Одамлар ер билан тиллашиб, уни эъзозлаб, шунинг орқасидан умр кечиришарди. Шўро даврида шу тамойилга путур етди. Одамни ердан бездириб қўйишди. Айтсам, ишонмайсиз, ҳозирги ёшлар шолини қандай етиштиришни ҳам билмайди. Ахир, етмиш йил бадалида на Шаҳрисабз, на Китоб туманида бир парча ерга шоли экилмаганидан кейин улар қаёқдан билишсин...

Оқсоқолнинг ҳикоя қилишича, отаси ўттизинчи йилларда бир қоп шолини уруғликка олиб қўйган ва, айтганки, вақти келганда шуни ерга сочасан, ўзимизнинг қадимги навдан. Бола-чақанг, қабираларнинг ризқ-насибаси бу...

— Шу бир қоп уруғ қарийб олтмиш йил омборхонанинг бир четида ётди, — дейди оқсоқол. — Нам тегмаса, қурт-қумурсқа ораламаса, ҳеч нарса қилмас экан. Бундан тўрт йил илгари ўғлим Оқдарё бўйидан ер очиб, шу уруғни сепди. Бинойидек ҳосил олдик...

6. РИЗҚИНГ БУТУН БЎЛСИН...

Бир қоп шоли уруғи... Мен унда рамзий маъно кўраман: бу — халқнинг ризқ-рўзи, у ҳамиша бутун бўлган, қирқ йил қирон келса ҳам уни ҳеч ким яримта қила олмаган.

Дарвоқе, тегирмонлар ҳақида. Ҳақиқатан ҳам, қишлоқларда илгари шундай тегирмонлар мавжуд бўлган. Уларда одамлар

«Энг азиз, энг улуғ» танловига

шоли, буғдой тортишган ва рўзғор тебратишган. Яна бу тегирмонлар қишлоқларга қадимий руҳ ва файзу тароват бағишлаб турган. Тегирмонларга қишлоқдагилар тириклик белгиси, деб қарашган, уларнинг гулдираб айланиб туриши ҳаёт тинч ва осойишта кечаётганини билдирган.

Бироқ мустабид тузум бўҳрони шу тегирмонларни ҳам четлаб ўтмади, уларнинг аксарият қисми бузиб ташланди, бир қисми эса, қаровсизликдан харобага айланди.

Бугун эса, қишлоқларда тағин ҳаёт уз измига тушган, тегирмонлар гуриллаб ишлаб турибди, одамлар шоли, буғдой тортишмоқда. Тағин денг, биргина Шаҳрисабз тумани Кичик Ноқи қишлоғининг ўзида ўнга яқин шундай тегирмонларни кўриш мумкин.

— Бундан ўн йил илгари кимдир шундай кунлар келишини айтса, ишонмасдик. Бу ҳам истиқлолнинг шарофати-да, — дейди ҳамқишлоқлар. Бир вақтлар бизга тарихдан сабоқ берган ўқитувчи қизиқ бир фикрни айтиб қолди:

— Шўро даврида халқимиз чиндан ҳам оғир кунларни бошидан кечирди. Очликни ҳам, қаҳатчиликни ҳам, қирғинни ҳам кўрди. Ҳаммаси ўтди. Бугун шу нарса кўнгилга таскин берадики, биз миллат сифатида, халқ сифатида ўзлигимизни йўқотиб қўймаган эканмиз. Бу — жуда катта гап. Мана, мустақиллик туфайли азалий қадриятларимиз қайта юз очмоқда, улуғ аждодларимиз руҳига иззат- икром кўрсатилянти. Оддий одамлар буни қандай кутиб олишяпти, сиз шуни сира кузатганмисиз? Ўтган йили Шаҳрисабзда Амир Темур бобомизга ҳайкал қўйилди. Ишонсангиз, зиёратчининг кўплигидан бир ойгача ҳайкалнинг яқинига бориб бўлмади. Чекка-чекка қишлоқлардан кексаю ёш оқиб келди. Одамлар қувончдан йиғлаб юборишганига неча марта ўзим шоҳид бўлдим. Бу нимани билдиради? Халқнинг иймону эътиқоди бутун эканлигини! Ўзининг улуғ аждодлари билан ифтихор қилишини! Сиз уларнинг ерга бўлган меҳрини кўринг! — у шаҳодат бармоғи билан ям-яшил буғдойзорга ишора қилди. — Бундан олти-етти йил аввал мана шу жойлар шудгорга маҳтал бўлиб ётар эди.

Демак, ер, унга муносабат, одамлар, бир сўз билан айтганда, ҳаёт ўзгармоқда. Муайян бир қишлоқ ва унда рўй берган яшариш шундан далолат беради. Шуни ҳам айтиш керакки, бугун мамлакатимиздаги қайси бир қишлоқ, қайси бир даҳасида бўлманг, кишиларнинг тафаккур тарзи, дунёқарашида шундай ўзгаришлар жараёни кечаётганини шоҳиди буласиз.

Бу — қутлуғ жараён.

Донишманд боболаримиз айтишганки, киши қандай фикр юритса, тафаккур қилса, шундай яшайди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бугун бизнинг тафаккур ва онгимизда кечаётган ўзгаришлар хайрлидир, улар эртанги кунимиз, яшаш тарзимиз, турмушимиз янада мунаввар бўлишидан далолат беради...

Шодиқул ҲАМРОЕВ.

ЖИНОЯТГА ЯРАША ЖАЗО

Инсонга, инсониятга қарши қилинган ҳар қандай, хоҳ жисмоний, хоҳ маънавий жиноят бўлсин, жазосиз қолмайди. Бу ҳикмат башарият ўз тарихида тўплаган энг умрбоқий хулосалардан бири бўлса, ажаб эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 827 қарорига мувофиқ собиқ Югославия ҳудудидаги қуролли тўқнашувлар давомида содир этилган ҳарбий жиноятларни текшириш ва ўрганиш учун Халқаро жиноий трибунал тузилган эди. Трибунал суд — ҳуқуқий механизм сифатида ўзини яна бир карра эслатди. Ана шу Югославияда содир этилган жиноятларни текшириш учун тузилган Халқаро жиноий трибунал томонидан Босния мусулмонларга қарши жиноят содир этганликда айбланаётган ўн нафар боснялик хорватлар устидан Гаагада суд жараёнлари бошланди.

Бир қараганда ҳарбий трибунал иши оддийга ўхшаб кўринса-да, унинг бошқа шундай ҳуқуқий институтлардан фарқи бор. Содир этилган жиноятлар бўйича терговчилар ва алоҳида аппарат қўмагида материаллар тўплаш билан трибуналнинг бош айбловчиси шуғулланади. Бош айбловчи вазифасини ўтган йилнинг октябрь ойидан бошлаб Канада фуқароси Луиза Арбур бажариб келмоқда. Тўпланган барча материаллар бўйича айблов хулосаси чиқарилади. Шундан сўнг кўриб чиқиш учун судьялар ихтиёрига топширилади. Трибуналда ўн бир нафар судья фаолият кўрсатади. Судьялар

Сиёсат сабоқлари

ди. У кўпроқ ёпиқ айблов хулосалари чиқариш ва ҳибсга олиш тўғрисида ҳам ёпиқ (яширин) ордерлар бериш йўлидан бормоқда. Натижа эса шундай бўлмоқдаки, жиноятчи ўзини ҳибсга олиш тўғрисида ордер мавжудлигини хаёлига ҳам келтирмаган бир пайтда, доғда қолмоқда, яъни ҳибсга олинмоқда.

Шу йилнинг 27 июнида Шарқий Словенияда худди шундай ҳол рўй берди. Бу ерда Вуковар шаҳрининг собиқ мэри Злавко Докианович ҳибсга олинди. 10 июлда эса Боснянинг Приедор шаҳрида яна бир алоҳида шахс — мазкур шаҳар муниципалитет ижроия кенгашининг собиқ раиси Милан Ковачевич ҳибсга олинди. У воқеалар бундай тус олишини сира кутмаганини тан олган. Қўлга олинаётган пайтда Ковачевичнинг шериги, полиция сардори Приедори Симо Дрляча ўқ отиб қаршилик кўрсатишга урингани учун отиб ўлдирилган.

Ёпиқ (яширин) рўйхатлар тузилаётгани учун «Югославия» трибуналидан ўтаётган айбдорлар сонини аниқ айтиш мушкул. Очиқ рўйхатларга кўра, улар 77 нафар, жумладан 55 серб, 18 хорват ҳамда серблар томонида туриб урушган уч мусулмон ва бир хорватдир. Ҳозиргача шулардан 20 нафаригина ҳибсга олинган. Улар ҳозир Гаагадаги қамоқхонада сақланмоқда. Қамоқхонадагилар орасида серблар томонида туриб урушган тўрт киши, уч мусулмон ва 13 нафар хорват бор. Ҳозиргача иккита суд жараёни ниҳоясига етди. Босния серблари армияси томонида туриб урушган хорват Дражек Эрдемович ўн йиллик қамоққа маҳкум этилди. Боснялик серб Душко Гадич 20 йилга кесилди. Бугунги кунда трибунал мазкур маҳкумлар жазо муддатини қайси мамлакатда ўташлари мумкинлигини кўриб чиқмоқда.

Луиза Арбур «Югославия» трибунали бош айбловчиси бўлиш билан бирга Руандада содир этилган ҳарбий жиноятлар бўйича тергов ўтказиш трибуналининг ҳам бош айбловчисидир. «Руанда» трибунали ва унинг котибияти Танзаниянинг Аруша шаҳрида жойлашган. «Руанда» трибунали судьялари ҳам ўша жойда. Терговчилар эса Руанда пойтахти Кигалида фаолият кўрсатишади.

Инсонга, инсониятга қарши қилинган ҳар қандай, айниқса ҳарбий — қуролли жиноят, қаерда — Югославиядами, Руандадами содир этилишидан қатъи назар, бугунми, эртами, барибир жазосини тортади, ҳақ баҳосини олади. Бунга иккинчи ёки биринчи жаҳон урушлари тарихида ҳам, ундан олдинги урушлар тарихида ҳам мисоллар етарлидир.

Салим АШУРОВ.

4

ДАВЛАТ КОТИБИ САФАРГА ЧИҚАДИ

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт бу ҳафта Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешга боради. Бу сафардан кўзланган мақсад АҚШ Президенти Билл Клинтонни келаси йил бошида юқорида санаб ўтилган мамлакатларга қиладиган сафарига тайёргарлик кўриш билан изоҳланади. Бу ҳақда Америка ташқи сиёсат маҳкамаси вакили Жеймс Рубин хабар қилди.

Олбрайт хоним Катарда ўтказиладиган Яқин Шарқ иқтисодий саммитининг очилиш маросимида иштирок этганидан сўнг, яъни 16 ноябрь куни Покистонда бўлади. Ж. Рубиннинг айтишича, АҚШ давлат котиби Исломободда ушбу мамлакат раҳбариятини демократик ўзгаришлар ўтказиш, инсон ҳуқуқлари қоидаларига риоя этиш ва диний масалаларда кўпроқ сабр-бардош кўрсатишга даъват этишни режалаштирган. У, шунингдек, Покистон раҳбарлари билан Афғонистонда зиддиятларга барҳам бериш масаласини ҳам кўриб чиқиш ва бошқа қатор масалалар юзасидан музокаралар олиб боришни мўлжаллаётир. Шунингдек, АҚШ давлат котибининг сафари чоғида Деҳлида икки мамлакат ҳамкорлиги стратегияси ҳамда атроф-муҳит муҳофазасига оид, Бангладешда эса демократик ва иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

БОШ ВАЗИР ИСТЕЪФО БЕРДИ

Таиландда Бош вазир Чавалит Йонгчайот истеъфо берди. У жумага ўтар кечаси қирол Пумипон Адулядетга истеъфога чиқиш тўғрисидаги аризасини расман топширишга мажбур бўлди. Бош вазирга мамлакатни урушдан кейинги йиллар мобайнида юзага келган чуқур иқтисодий инқироздан олиб чиқишга қодир эмасликда айби кўйилган эди.



КАКТУСЗОР.

АҲОЛИ СИНАБ КЎРИЛДИ

Пайшанба куни кечқурун Руминия пойтахти кўчаларидаги ҳамма чироқлар бирданига ўчди, шаҳарнинг сирена кўнғироқлари қаттиқ жаранглаб, черковларда бонг чалинди. Турар-жой биноларида чироқлар ўчиб, Бухарест кўчаларида қатнаётган транспорт воситалари тақа-тақ тўхтаб қолди. Бу уруш йилларидан кейин Руминиядаги энг катта фуқаро мудофааси ўқув машқи бошланганидан сўнг содир бўлди. Мазкур машқни ўтказишдан мақсад фавқулодда ҳолатларда авария тизими қандай ишлаши ва бундай ҳолатда аҳоли ўзини қандай тутишини синаб кўриш эди.

5

6

СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

уриниши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда чиппакка чиқди.

«ИСТИҚЛОЛ — 94» ДИРЕКТОРИ

Муҳаррам Аббосов қандайдир йўллар билан Андижон вилоятидаги Ахтачи қишлоғида жойлашган моддий техника таъминоти идораси қошида очилган «Истиқлол — 94» фирмасининг йўқолган муҳрини топиб олди. Ва кейинроқ шу муҳр туфайли, албатта Дилмурод Юнусовнинг «зукколиги» оқибатида ма-

зилиги билан 1 минг 200 тонна ҳар хил диаметрли қувурлар, 50 тонна шакар маҳсулоти учун шартнома тузди.

Эртаси куни Юнусов Тошкентдан Содиқовнинг уйига қўнғироқ қилиб, масала ҳал бўлганлигини айтди ва «Ўзметаллсавдо» ҳиссадорлик жамиятига юк машиналари жўнатиш зарурлигини таъкидлади. Юсуфжон Содиқов трест бошқарувчиси номига алоқа хати ёзиб, «Наманганқурилиштрест»ига қарашли 8-автокорхонадан тўртта «КамАЗ» автомашинасини расмийлаштириб, Тошкентга жўнатиб юборди.

на мен деган бойваччалар учун орзу бўлиб қолаётган «БМВ» автомашинаси эгаси бўлди.

1996 йилнинг февраль ойида икковлон Тошкент шаҳридаги «Ўзметаллсавдо» ҳиссадорлик жамиятига келишди. Юнусов ўзини «Истиқлол-94» фирмаси директори Комилов Фарҳод деб таништирди ва ўз фирмасига ҳар хил диаметрли қувурлар кераклигини айтиб ҳиссадорлик жамияти ва «Истиқлол-94» фирмаси ўртасида 21 февраль куни 26-сонли сохта шартнома тузишга муваффақ бўлди. Қолаверса, шу шартнома нусхасига асосан «Ўзметаллсавдо» ҳиссадорлик жамиятига Россиядан келаётган қувурларнинг сертификатларини, маълумотномаларининг нусхаларини ҳам қўлга киритди. Кейин шу ҳужжатлар нусхалари билан «Узфининвест» ҳиссадорлик жамиятига келиб, Нурилло Сайфуллаев билан учрашди. Нурилло Сайфуллаев бу ишдан шу ҳиссадорлик жамияти хўжалик мудири Сайфулла Иноятовни хабардор қилди. Ўз навбатида бу киши Наманган шаҳрида яшовчи, «Агросаноат» қурилиш-ишлаб чиқариш тижорат корхонасида раҳбар бўлиб ишловчи Юсуфжон Содиқов билан боғлаб қўйди.

Юсуфжон Содиқов ҳам юқорида айтилган шартнома-ю, сертификатларни кўргач, ишонди-қўйди. Ҳар эҳтимолга қарши ўз корхонаси устидан назорат қилувчи бошқармага шу қувурларни олиш мумкинми, деган савол билан мурожаат қилди. Ва ниҳоят уларнинг ро-

Машиналар етиб келгач, Юнусов Содиқовга мурожаат қилиб, маҳсулотни олиш учун миллион сўмлик вексел кераклигини билдирди. Содиқов унга катта миқдордаги векселлар йўқлигини билдиргач, АҚШ долларини бўлса ҳам майли эканлигини, банкдаги таниши орқали арзон нархда вексел олиш мумкинлигини айтди. Обдон ўйлаб кўрган Содиқов ўн бир минг АҚШ долларини ўз инон-ихтиёри билан фирибгарга узатди.

«Ўзметаллсавдо» ҳиссадорлик жамиятида наманганликлар интизорлик билан кутишаётган пайтда улар чет элда ишлаб чиқарилган қулинг ўргилсин машинада Андижонга қараб елиб боришарди.

Гапнинг индаллосини айтганда, улар бу жиноят орқали Юсуфжон Содиқовга ўн бир минг АҚШ доллари, яъни 529 минг 100 сўм, «Наманганқурилиштрест»ига қарашли тўртта юк автомашинасининг бекор туриб қолганлиги учун 89 минг 980 сўмлик миқдорда моддий зарар етказишди.

1995 йил 20 март куни Андижон вилоят прокуратураси томонидан фирибгарлар бошлиғига нисбатан қидирув эълон қилинган. Агар у 1996 йил 26 май куни милиция ходимлари томонидан қўлга олинмаганида, яна қанча-қанча соддаларни чув тушириши мумкин эди.

Қилмиш-қидирмиш деганлари шу экан...

Раҳмонали ҚОСИМОВ,
ИИВ матбуот марказининг катта инспектори, милиция майори.

11

Жэк ДОНЕЛЛИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ НИМА ДЕГАНИ?

Инсон ҳуқуқлари 1945 йили қабул қилинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставида муҳим ўрин эгаллади. Янги ташкилот инсон ҳуқуқлари борасида нуфузли халқаро меъёрлар ишлаб чиқишга жадал киришди. 1948 йилнинг 10 декабрида БМТнинг Бош Ассамблеяси инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон Декларациясини қабул қилди. Ҳуқуқлар борасидаги кенг қамровли мазкур ҳужжат давлатларнинг ўз фуқароларига муносабати халқаро ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридангина эмас, балки халқаро мезонларга мувофиқлиги жиҳатидан ҳам кўрилиши ҳақидаги янгича ёндашувни тартиблаштирди.

Бироқ совуқ уруш муҳити юзага келиши билан инсон ҳуқуқлари борган сари мафкуравий курашнинг бир қуролига айлана бошлади. Америка Қўшма Штатлари «дўстона» антикоммунистик режимларда инсон ҳуқуқларининг энг қабиҳ тажрибасини қўлланишига йўл қўйиши биланоқ совет иттифоқи лозим бўлганда ўз таъсир доирасидаги «дўстона» тоталитар тузумларни кафолатлаш учун куч ишлатишга тайёр турди.

Ундан ташқари қатор давлатлар Умумжаҳон Декларация таъминловчи меъёрларнинг қатъий баён этилишига ҳоҳиш билдирди. Инсон ҳуқуқлари масаласини халқаро қонунчилик доирасидан тамомила ташқарида қолдиришга рағбат йўқлигига қарамай, халқаро миқёсда уларни татбиқ этиш ёки жорий этиш у ёқда турсин, ҳатто давлат миқёсида бу борадаги тажриба атрофлича қайд этилмади ҳам. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси, мисол учун, инсон ҳуқуқларини бузиш ҳоллари ҳақида БМТга келган минглаб аризаларни ўқишга ҳам эришолмади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — давлатлардан устун турувчи жаҳон ҳукумати эмас, балки аксинча, ҳукуматлараро ташкилотдир. Унинг аъзоси бўлган суверен давлатлар ваколат бермаган тақдирда, бирон иш қилишга қодир эмас. Совуқ урушнинг дастлабки йигирма йилидаёқ ҳеч бир блок БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг фаолият юритишига ҳоҳиш билдирмади.

1960 йилларнинг ўрталарида Афро-Осиё блоки Бирлашган Миллатлар Ташкилотида энг катта гуруҳга айланди. Колониал ҳукмронлик остида заҳмат чеккан мазкур давлатлар инсон ҳуқуқлари борасида ўта манфаатдор эди. Улар совет блоки ҳамда Европа ва Америка қитъасининг айрим мамлакатларида хайрихоҳ муносабат топишди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти яна бир бор инсон ҳуқуқларига аҳамият қаратди.

Энг муҳими, 1966 йил декабрида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро битимлар тузилди. Умумжаҳон Декларация билан биргаликда улар халқаро миқёсда тан олинган инсон ҳуқуқларининг нуфузли баёноти ва кафолати бўлди.

Мазкур битимлар ўзининг кенг қамровлиги туфайли Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини мезон ўрнатишдан бошлаб, ушбу мезонларни ҳаётга татбиқ этишга ўтишни талаб этди. Бу йўналишда эса Ташкилот дастлабки 20 йил давомида деярли илгари силжимаган эди.

Халқаро қонун чиқарувчи ташкилот мавжуд бўлмаган ҳолда халқаро қонун, аксарият қисмида битимга асосланади. Ҳозирги кунда аксарият халқаро ҳуқуқий мажбуриятлар битимлардан вужудга келган бўлиб, улар аслида давлатлар орасидаги муҳим контрактлардир. Давлатлар ўз раъйига кўра битим тузиш ёки тузмасликка эркин бўлгани учун халқаро ҳуқуқ мажбуриятлари аксар қисмида ихтиёрий равишда татбиқ этилади. Шу тариқа давлатлар ўзга нарсалар қатори халқаро миқёсда татбиқ этилиши мумкин бўлмаган халқаро мажбуриятлар таъсис этишга эркиндир.

Битимларни «ҳаётга татбиқ этиш» механизмини кўриб чиқайлик. Томонлар тасдиқдан ўтказиш учун мунтазам равишда ҳисоботларини ўрганишга тақдим этишлари лозим. Назорат этувчи комитетлар давлат вакилларидан ҳисоботни сураб олишлари ва мавжуд нуқсонларга диққатни жалб этиши мумкин. Бироқ, улар битимга хилоф нарсаларни киритиши, давлатнинг жорий тажрибасига ўзгартириш киритишни талаб этиши ёки қурбонларга бадал беришга ҳуқуқи йўқ.

1960 йилларнинг ўртасига келиб инсон ҳуқуқлари нормалари ҳалқаро таомилга тўлиқ киритилганига қарамай, уларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши деярли тамомила айрим давлат ҳудудлари билан чегараланган эди. Шу тариқа, инсон ҳуқуқларининг дунё миқёсда зуҳур топиши ўшанда ҳам, ҳозир ҳам асосан суверинитетни ҳурмат қилиш мантиқидан келиб чиқади.

КАРТЕРНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАШ ТАЖРИБАСИ

1960 йилларнинг охири ва 1970 йилларда инсон ҳуқуқлари соҳасига қичик хуружлар бошланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича БМТнинг комиссияси айрим мамлакатларда инсон ҳуқуқларига қарши содир бўлаётган жиноятларни муҳокама этиш ваколатига эришди. Исроилнинг ишғол этилган территорияларида, Жанубий Африка Республикаси ва Чилида инсон ҳуқуқларини бузиш борасида махсус жараёнлар қўлланди. Бироқ инсон ҳуқуқларига халқаро миқёсдаги масала сифатида ёндашув 1977 йили, яъни Жимми Картер Америка Қўшма Штатлари президенти этиб сайланганида ибтидо олди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 11 noyabr, sesanba № 132 (22.215).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

КИМНИНГ «КЎЧАСИДА» БАЙРАМ БЎЛАДИ?

«Отларни кечувда алмаштирмайдилар», деган гапни эшитганмиз. Агар «от» судраб бораётган «арава»нинг тақдири ҳал бўлган бўлсачи? Унда алмаштирса бўлаверади. Бизда шундай қилингани бир ҳисобда яхши бўлди. Дарвоқе, гап футбол тўғрисида бораётир. Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийларининг алмашганлигидан ишқибозлар хабардор. «Поездимиз» кетиб бўлганди бу ўзгаришгача.

Кўпчиликнинг хабари бор. Япониялик футболчилар Қозоғистонда уч очкони олишлари шарт эди. Бош мураббийни бошқа натижа қаноатлантирмасди. Биру ноль ҳисобида ютиб турган японлар ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганда тўп ўтказиб юбордилар. Учрашув дуранг билан якунланди. Шундан сўнг японларнинг бош устози дарҳол истеъфога чиқишини маълум қилди. Футбол тарихида шунга ўхшаш воқеалар кўп бўлган.

Жаҳон чемпионати саралаш учрашувларига тўхталсак. Мамлакатимиз футболчилари ўз майдонларида қозоғистонликларни йирик ҳисобда енгишганидан сўнг, охирги ўйинни сафарда — Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари билан ўтказдилар. Мазкур учрашув бизникилар учун ҳеч нарсани ҳал қилмасди. БАА жамоасига фақат ғалабагина Францияга бериладиган йўлланма учун курашни бироз енгиллаштирарди. Шу сабабдан рақибларимиз «разведка» қилмасдан ўйин бошидан ҳужумга зўр беришди. Гоҳ ҳимоячиларимиз, гоҳ дарвозабонимиз шиддатли ҳужумни қайтариб туришди. Ўзбекистонликлар ҳам қулай вазият пайдо бўлиши билан қарши ҳужумга ўтиб туришди. Иккинчи бўлим ўрталарида терма жамоамиз мураббийлари тезкор футболчи Абдуқаҳҳор Маъруфалиевни майдонга туширдилар. Шундан сўнг ўзбекистонликлар ҳужуми янада кучайди. Дастлаб ҳимоячиларимизга ёрдамга келган Шквирин майдоннинг иккинчи ярмида турган Қосимовга тўпни аниқ етказиб берди. Қосимов ўз навбатида қойил мақом қилиб рақиб жарима майдонига ёриб кирган Маъруфалиевга тўпни оширди. Гап тўпни аниқ дарвозага йўллашда қолганди. Афсуски, ҳужумчимизнинг боши билан урган тўпи ноаниқ кетди.

Футбол

Маъруфалиев яна бир марта дарвозабон билан юзма-юз келди. Бу сафар ҳам у қарийб юз фоизлик имкониятдан фойдалана олмади. Вақт эса ўтиб борарди. БАА мураббийларининг асаби таранглашган. Араб футболчиларининг кетма-кет берган кучли зарбаларини дарвозабонимиз Павел Бугало қайтариб турди. Ниҳоят, ҳакам ҳуштаги билан ўйин тугаганини билдирди. 0:0. Бирлашган Араб Амирлиги жамоаси олтинга тенг икки очкодан маҳрум бўлди.

Сеулда эса Францияга йўлланмани нақд қилиб қўйган Корея футболчилари билан Япония терма жамоа ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Кун чиқар мамлакат вакиллари ҳам Францияга боришдан умидвор. Уларга ҳам ғалаба зарур. Жаҳон футбол рейтингида Осиё мамлакатлари орасида юқори ўринни эгаллаб турган японияликлар осонликча таслим бўладиганларданмас. Буни улар Корея майдонида яна бир бор исботладилар. Японлар икки марта рақиблари дарвозасига тўп киритишга муваффақ бўлишди. Майдон эгаларининг барча ҳаракатлари эса зое кетди. 0:2. Сеулда шундай ҳисоб қайд қилинди. Ҳаммасини сўнгги учрашув ҳал қилди. Японияликлар ўз майдонларида қозоғистонликларни йирик ҳисобда енгишди ва гуруҳда иккинчи ўринга кўтарилиш-ди. Корея футболчилари Бирлашган Араб Амирликлари меҳмони бўлишди. Бунда кореяликлар ғолиб чиқишди.

Ноябрь ойида футбол ишқибозлари асло зерикишмайди. Чунки жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари айни қизиган пайт бу ой. Муболағасиз айтиш мумкинки, жаҳон футбол мутахассисларию мухлислар 15 ноябрь куни Неаполда бўладиган ўйинни сабрсизлик билан кутмоқда.

Шу куни Италия—Россия учрашуви бўлиб ўтади. Москвадаги ўйин 1:1 ҳисобида тугаган эди. Бизнес маъносидан французлар 1998 йил италияликларни кутиб олишдан манфаатдор бўлса, футбол майдонидаги ўйин масаласида эса кўплар нисбатан кучли бўлган итальянлардан кўра Россия ютса яхши бўларди, дейишмоқда. Ҳар икки томонни тушунса бўлади. Агар Италия ғолиб чиқиб келаси йили Францияга борадиган бўлса, шубҳасиз йўлланма «чўнтагида» бўлган мана-ман деган ҳар қандай жамоа мураббийсини ҳам қаттиқ ўй босиши табиий. Чунки, жаҳон футбол майдонларида итальянлар ўзларининг ажойиб ўйинлари, чиройли голлари билан барчани лол қолдирган. Вақтида аргентиналикларнинг ҳам, бразилияликларнинг ҳам «бурнини қонатиб» олтин медални илиб кетган ўша Италия футболчилари бўладилар. Буни рақиблар эсларидан чиқаришгани йўқ. Кўпларнинг Россия футболчиларига омад тилаб, италияликларнинг бой беришларини истаётганларининг асл сабаби ҳам шундан.

Сизу бизнинг эса кимларнингдир «кўчасида бўладиган байрам» — футбол майдонларида бўладиган спектакллар натижасини кутишдан бошқа чорамиз йўқ.

Равшан ШОДИЕВ,
спорт шарҳловчиси.

БЕШ ФАНГА БИР «КОНСПЕКТ»

Талаба маданияти

Ҳозирги кунда талабаларимизнинг билим олишга интилишлари, кайфиятлари, уларга яратилган шарт-шароитлар қай аҳволда? Шуни билиш мақсадида Тошкент Давлат аграр университетида бўлдик. Университет ҳудуди кенглиги, ўқув биноларидаги, ҳарбий кафедра, спорт мажмуи, ётоқхоналардан тортиб, ошхона-ю магазинларининг тўла-тўкислиги билан бошқа олийгоҳлардан ажралиб туради. Биз шундоққина ўқув биноларига рўбарў қилиб солинган 1-ётоқхона олдида гавжумлашиб турган талабаларни суҳбатга тортдик:

— Нега машғулотда эмассизлар, дарсларингиз кеч бошланадими?

— Э, йўқ дарсга бориб домлани 15 минут кутдик, кейин «чизивордик» — дейди ҳазилкашроқ бир талаба.

Ётоқхонага йўл олдик. «Маънавият ва маърифат» хонасида бадиий китоблар, мутахассислар учун мўлжалланган газета, журналлар. Президентимизнинг бир қанча китоблари шкафларда тахлаб қўйилган. Иқтисод-бухгалтерия факультети талабалари яшайдиган 14-ётоқхонада талабалар учун бундан ҳам қулай шароитлар яратилган, компьютерлар билан жиҳозланган хоналар ўзгача, кишига завқ бағишлайди. Лекин шкафларда турган китобларни қўлга олар эканмиз, китоб юзидаги чангни кўриб, ҳа-а... деб қўя қолдик.

Университет бухгалтерия факультети биноси ёнида турган 3 талабанинг иккитаси қўлида биттадан букланган дафтар, бирида ҳеч вақо йўқ эди. Уларни олдига бориб, йигитлар менга бир варақ бериб туролмайсизларми, зарур бўлиб қолди, дедим. Новчадан келган йигит, мийиғида кулиб, ичида 5 та фандан конспектим бор. Менимча вароғи йўғов, деб дафтарини кўрсатди. — Бўлганда берардим... «гап йўғийди» деди. Орқага қайтаётиб, деворда осиғлик турган эълонга кўзим тушди, ўқиб кўрсам университет ректорининг буйруғи: «Университет ҳовлисида сигарета чекишни таъқиқлаш» тўғрисида экан. Шундоқ буйруқни тагида тўртбеш талаба сигарета «қақшатиб» чекиб тургани мени ажаблантирди. Балки буйруқ ўз кучини йўқотгандир. Биз унга аралашмаймиз ҳам. Чунки, бу маъмуриятнинг ўзига ҳавола.

Ёшлик инсон ҳаётидаги кенг имкониятлар давридир. Ушбу бебаҳо дамларни мазмунли ўтказиш, имкон қадар билим олиш, ҳамма куч ғайратини аямаслиги керак. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз салоллоҳу алайҳи вассалам жамият учун, эзгулик ва тараққиёт учун: «Илм эгалланг! Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлида таянч, бахтиёр даврларда — раҳбар. Қайғули онларда — мададкор, одамлар орасида — зебу зийнат, душманга қарши курашишда қуролдир», деб насиҳат берганлар. Зеро, бу гаплар биз учун намуна бўлиб қолишини унутмайлик.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

МАРОМИНГ АНИҚ БЎЛСА, МАҚСАДИНГГА ЕТАСАН

Ислоҳот ва масъулият

Ушбу корхона дастлабки маҳсулотини чиқара бошлаганига 100 йиллардан ошди. Ушанда чор Россияси Марказий Осиёдаги барча бойликларни ташиб кетиш учун махсус темирйўл қурдирган эди. Уз-ўзидан ушбу темир йўлларда қатнайдиган вагонларни таъмирлаш ҳам зарур эди. Шу мақсадда Тошкентда паровоз ва вагонларни таъмирлаш учун завод бунёд этилганди. Шуниси алам қиладики заводга бирон-бир маҳаллий мутахассис қабул қилингани йўқ. Оддий ҳунар эгаларидан муҳандисларгача европаликлар эди.

Корхона дастлабки йилларда чор Россиясига хизмат қилган бўлса, 1917 йилдан сўнг Москваю Ленинградга, умуман Россияга хизмат қилганди. Ўзбекнинг пахтасию тиллоси, сарҳил меваларию виноси Россияга ташиб кетиларди.

Узбекистонимиз мустақилликка эришгач, ушбу корхона ҳам ўз фаолиятини бевосита мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратди. Эски заводнинг янги тонги отди. У энди фақат ўз юртимизга хизмат қиладиган бўлди. Айни пайтда улкан заводга қарашли 22 та цехда иш қизғин. Турли миллат вакиллари қатори ўзбеклар ҳам меҳнат қилишаётир. Замонавий вагонлар ва паровозлар таъмирланяпти. Тепловоз ва вагонларнинг улкан ғилдираклари ҳам шу ерда созланади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, кейинги йилларда корхонанинг цехлари қайта таъмирланди. Янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Ишлаб чиқариш бир маромда давом эттириляпти. Маҳсулот сифати эса барча истеъмолчиларни қондиряпти.

— Айни пайтда заводимиз наинки, Узбекистон Республикаси темир йўлларига, балки бутун Марказий Осиёдаги шерикларимизга хизмат курсатаяпти. Қўшни мамлакатлар ишдан чиққан тепловозу вагонларни бизга келтиришаяпти, — дейди завод бош директори Очилбой Раматов. — Бу уз-ўзидан республикамизга валюта келтиришда қўл келяпти. Иккинчи томондан, Россия ва бошқа республикалардан турли асбоб-ускуналар келтиришимизга ёрдам беряпти. Шуниси қувончлики, ўтган йили биз 3 миллион долларлик ана шундай хизмат курсатдик. Четдан эса гильза ва поршенлар келтирдик. Биз Россия корхоналарига ҳам деталлар етказиб беряпмиз.

Заводнинг асосий корхонаси Тошкентда жойлашган бўлсада, унга қарашли корхоналар республикамизда талайгина. Масалан, Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида нефть ташийдиган цистерналарни таъмирлаш йўлга қўйилди. Бу ерда энг мураккаб таъмирлаш ишлари бажарилади. Умуман корхона буйича ўтган йили 250 та вагон таъмирланиб, темир йўлларга чиқарилди.

Жамоа аъзолари иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидан бориб, маҳсулот турларини тобора кўпайтирмоқдалар. Айниқса, Асакадаги «УзДЭУавто» автомобиль заводида тайёрланган машиналарни манзилларга етказиш учун икки ярусли вагонлар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги қувончли бўлди. Ҳозиргача 110 та вагон тайёрланиб манзилга етказилди. Бундан ташқари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга ҳам эътибор кучайтирилди. Бинобарин, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида асосий маҳсулотдан ташқари халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам жамоага, ҳам юртимизга фойдалидир. Шу мақсадда юмшоқ мебеллар, ошхона ва идоралар учун мебеллар тўплами тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда ана шу маҳсулотлар харидоргир бўлиб боряпти. Ҳозирча ойига 3,5 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарилаётир.

Корхонада электровозларни таъмирлайдиган алоҳида завод ҳам бор. Хорижий шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги ишларга ҳам эътибор кучайтирилди. Масалан, япониялик сармоядорлар билан тузилган шартномага биноан улар корхонани ривожлантириш учун 30 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўтказишлари керак.

Бугунги кунда корхонада ўз ишининг устаси бўлмиш мутахассислар талайгина. Бироқ кейинги пайтларда корхонага маҳаллий кадрлар камроқ келаяпти.

Чунки улар қалбида ҳамон заводда қора мойга беланиб ишлаб, нимага эришасану нима орттирасан, деган эски тасаввурлар яшаб келяпти. Эндиликда ана шундай тушунчаларга барҳам бериш пайти келди. Ахир бу йил корхона буйича 210 миллион сўмлик даромад олинса, ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 8 минг 200 сўмдан 8 минг 500 гача бўлса... Бунга ҳавас қилса арзийди. Ушбу корхонага ишга кирганлар биринчидан яхши мутахассис бўлишади, иккинчидан уз оилаларига барака киритишлари мумкин.

Узбекистон индустриясининг тўнғич корхоналаридан бири бўлмиш тепловозларни таъмирлаш заводи айни кунларда аниқ маромда иш юритиб, иқтисодиётимизга баракали ҳисса қўшмоқда. Тўлов қобилияти юқори бўлган бақувват корхоналардан бири. Тажрибали, ажойиб ишчилар авлоди етишиб чиққан ушбу корхона тараққиётнинг юксак босқичига кўтарилмоқда. Уйлаймизки, завод жамоаси бундан буён ҳам ўз олдига қўйган мақсадга эришиш йўлида астойдил ҳаракат қилаверади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

Паркент АТСига қарашли АТ 0000122 серияли лицензияга берилган 0009002 лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. ҚИЁМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида, А—2 форматида, 21 523 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Узбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0731

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Тошкентда биринчи!

Болалар ва бўлажак оналар учун ихтисослашган инглиз маҳсулотлари магазини

mothercare

Хуш келибсиз!!

12 ноябрда очилади!

М. Ганди кўчаси, 34
(собиқ Свердлов кўчаси)

Тел.: (371) 132-14-46, 132-14-47

GLOBAL TRADING COMPANY

«АКАТЕКС ТЕКСТИЛЬ САНОАТ ВА ТИЖОРАТ ЛТД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ПОЛИПРОПИЛЕН УН ҚОПЛАРИНИ (50 кг) ва СЕЙФЛАРНИ СОТАДИ

Манзилгоҳ: Тошкент, Гоголь кўчаси, Марказ - 1, 38-уй, 187-хонадон.
Мўлжал: «Электроника» магазини,
Телефон: (3712) 133-40-07, 132-14-25, 132-14-34.

«АЗИЯ-ОИЛ-ЭКОГЕОТ» КОМПАНИЯСИ

Тошкентдаги қатор АЁҚШ ларда пластик электрон карточкалар бўйича ёнилғи билан таъминлайди.

Автомобиллар учун кенг турдаги автошиналар, аккумуляторлар, мой, бўёқ ва лаклар, СВ-08А пайвандлаш симларини таклиф этади, автомобилларни тузатади.

Манзилгоҳ: Тошкент, Пушкин кўчаси, 59 «Средазпроцветмет» 1-қават.
Тел: (3712) 68-56-41, 68-57-98, 68-16-41, 136-00-45.